

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.QX.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАНСУРОВ ХУСНИДДИН ГАБТРАШИТОВИЧ

**«*VIGNA RADIATA* L. ЖАҲОН ГЕНОФОНДИДАН
ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЮҚОРИ ҲОСИЛДОР, ЭКСПОРТБОП
МОШ НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ»**

06.01.05.- Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича диссертация
химоясиз селекция ютуғи (ихтиро патенти) асосида қишлоқ хўжалиги
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун

ТАҚДИМОТИ

Илмий раҳбар:

қ.х.ф.д., проф. Р.Ф.Мавлянова

ТОШКЕНТ – 2022

КИРИШ (такдимот (ихтиро патенти)нинг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар 9 одамнинг бири, тўйиб овқатланмаслиги, яъни дунё аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли овқатланмаслиги ҳамда энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда ғалла экинлар билан бир қаторда дуккакли-дон экинлар ҳам катта аҳамиятга эга. “Дуккакли-дон экинлар ер юзидида 135 млн. га майдонга экилади, шундан такрорий экин сифатида дуккакли-дон экинлари 91,6 млн. га майдонга экилиб, ўртача дон ҳосилдорлиги 12,0 ц/га, ялпи ҳосил 206,4 млн. тоннани ташкил этади”¹. Дунёда мош экиладиган майдон ҳажми жиҳатидан соядан кейин иккинчи ўринда туради. “Дунёда мош 7 млн. га майдонга экилиб, ялпи ҳосил 5.3 млн. тоннани ташкил этади”². “Жаҳон бозорида мош экспортида Ўзбекистоннинг ҳам ўрни катта бўлиб, йилига 67 минг тоннагача мош экспорт қилинади”³. Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашда мошнинг иссиқлик ва қурғоқчилик, стресс омилларга бардошли ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган навларини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда мош етиштирувчи мамлакатлар орасида Ҳиндистон, АҚШ, Хитой, Мьянма, Индонезия, Тайван, Миср, Австралия, Греция, Италия, Испания, Жазоир каби мамлакатларда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мос, иссиқлик ва қурғоқчиликка бардошли, ҳосилдорлиги юқори ва экспортбоп мош навларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда бирмунча ютуқларга эришилган ҳолда, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган, кам сув талаб этадиган, етиштирилган ҳосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга қулай, иқлимга мос, тик ўсувчи, механизация ўримига яроқли, дуккаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор ва экспорт талабларига жавоб берадиган мош навларни яратиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсив ва инновация ишланмаларини жорий қилган ҳолда экинларнинг янги навларини яратиш ва уларнинг ҳосилдорлиги ҳамда касалликларга чидамлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минтақамизнинг қулай тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, бир йилда 2-3 мартагача юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имконияти мавжуд. Ҳар йили бошоқли дон экинларидан бўшайдиган бир миллиондан зиёд суғориладиган майдонларда 100-120 кун давомида такрорий экинларни ҳам етиштириш мумкин.

¹ https://www.researchgate.net/publication/339421756_Global_Status_and_Economic_Importance_of_Mungbean

² <https://nuz.uz/category/ekonomika-i-finansy/>

³ https://www.researchgate.net/publication/339421756_Global_Status_and_Economic_Importance_of_Mungbean

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган кишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада жаҳон генофондидан фойдаланган ҳолда, республикамизнинг турли минтақалари учун мошнинг ташқи муҳит ноқулай омилларига чидамли ва барқарор ҳосил берадиган экспортбоп нав ва намуналарни яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 декабрдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги ПҚ-179-сон «Кишлоқ хўжалигида экинларни экишда тупроқ унумдорлигини ва ҳосилни ошириш, суғоришни янги технологияларини жорий этишни қўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот, республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Кишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган шароитида мош ўсимлигининг биологик хусусиятлари, етиштириш технологиялари М.Т.Когай, А.П.Пилов, М.Мирзовалиев, З.Жумаев, А.Сиримов, И.Эрназаров, Р.Ф.Мавлянова, Д.Ж.Пирназаров, Н.Халилов, Б.М.Халиков, И.А.Исраилов, А.Иминов, С.Т.Негматова, Н.Равшанова. Хорижий олимлар Д.К.Қосимов, У.Махмадёр, М.Д.Носирова, Т.Т.Пиров, А.М.Павлова, Н.И.Глушенкова, М.А.Афзал, А.Н.М.М.М.Муршад, М.А.Бакар, А.Намид, А.В.М.Салаҳуддин, Р.Гулерия, В.Кумар, А.Сингал, Р.Шэффлейтнер, Р.Наир, А.Ратхоре, Y.Ванг, С.Лин, S.H.Chu, P.Y.Lin, J.C.Chang, A.W.Ebert ва бошқалар томонларидан ўрганилган ва янги навлар яратилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Изланишлар Ўсимликлар генетик ресурслар илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлари режалари билан боғлиқ бўлиб, №КХА-8-100-2015 «Сохранение в живом виде вегетативно-размножаемых культур, восстановление всхожести семян и надежное сохранение их в среднесрочном

хранении в Генбанке» (2015-2017), №КХ-А-КХ-2018-328 «Ўсимликлар генофондини интродукция қилиш, илмий экспедициялар, уруғлар унувчанлигини қайта тиклаш асосида бойитиш, сақлаш ва вегетатив ҳолда кўпаювчи экин турларини тирик ҳолда ушлаб туриш» (2018-2020) мавзуларидаги амалий ва №ҚХИ-И-ҚХИ-2018-64 «Мошнинг янги «Дурдона», «Зилола» ва «Маржон» навларининг бирламчи уруғчилик тизимини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2018-2019) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мошнинг жаҳон генофондини комплекс ўрганиш асосида, республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мос, морфобиологик ва қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларига эга, тик ўсувчи, механизация ўримига яроқли, дуккаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор ва экспорт талабларига жавоб берадиган мош навини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, яратилган янги навни патентлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мошнинг жаҳон генофондидан 151 коллекция намуналарининг морфобиологик ва қимматли-хўжалик белги ва хусусиялари бўйича комплекс баҳолаш;

аналитик селекция усуллари асосида тик ўсувчи, механизация ўримига яроқли, дуккаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор ва экспорт талабларига жавоб берадиган истиқболли мош намуналарини ва тизимларни ажратиб олиш;

ажратиб олинган интенсив типидagi истиқболли мош намуналари ва тизимлари билан селекция ишларини давом эттириш, навларни яратиш, нав синовларини ўтказиш ва давлат нав синовига топшириш;

мошнинг яратилган янги навининг ишлаб чиқаришга навдор оригинал уруғларини узатиш ва жорий этиш.

Тадқиқот объекти сифатида изланишларда *Vigna radiata* (L.) R.Wilczek турига мансуб мошни жами 151 та жаҳон коллекция намуналаридан фойдаланилган бўлиб, андоза сифатида республикамизда районлаштирилган «Зилола» нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, мош коллекция намуналарининг морфобиологик хусусиятлари ва комплекс қимматли-хўжалик белгилари, юқори ҳосилдорлиги, 1000 дона уруғ вазни, яратилган янги нав тавсифи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Изланишлар давомида мош коллекция намуналарини баҳолаш ва уларга тавсиф бериш, нав танлови ва синови ишлари «Коллекция мировых генетических ресурсов зерновых бобовых ВИР: пополнение, сохранение и изучение» (1987), «Рекомендации по изучению зарубежных образцов сельскохозяйственных культур на интродукционно-карантинных питомниках» (1985), «Методические указания ВИР по изучению мировой коллекции бобовых культур» (1977), «Descriptors for

Mungbean» (1980), «Международный классификатор СЭВ рода *Phaseolus* L.» (1984), «Широкий унифицированный классификатор СЭВ и Международный классификатор СЭВ рода видов *Phaseolus* L.» (1984), «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1975) услубий қўлланмаларидан фойдаланилган, барча математик статистик тахлиллар Б.А.Доспехов (1985) услуби ҳамда Ms Excel дастури асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мошнинг 151 та жаҳон коллекция намуналарини морфобиологик ва қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари бўйича комплекс баҳолаш асосида республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган истиқболли намуналар ажратиб олинган;

мош коллекцияни қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганиш натижасида вегетация даври 66-70 кун бўлган ультра эртапишар 5 та, эртапишар (71-75 кун) 12 та, юқори ҳосилдорлиги бўйича 3 та (26,0-27,4 ц/га), дуккакдаги донлар сони бўйича (11 та) 3 та, 1000 дона уруғ вазни бўйича (70-80 г) 2 та, углеводлар (63,5-65,5%), оксил 23,0-23,6% ва мой 1,1-1,3% миқдори бўйича 3 та намуналар ажратиб олинган;

мошнинг дон ҳосилдорлиги ва сифати юқори, экспорт талабларига жавоб берадиган янги «Осиё» нави яратилган;

мошнинг янги «Осиё» нави республикамизда экилаётган навларга нисбатан эртапишарлиги, асосий пояда бўғимлар сони, дуккак узунлиги, бир ўсимликда дуккаклар сони, юқори дон ва кўк масса ҳосили, ҳамда дон йириклиги бўйича устунлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мошнинг жаҳон коллекцияси намуналарини комплекс ўрганиш асосида аналитик селекция усулларида фойдаланган ҳолда кўп марталаб якка ва оилавий танлаш орқали юқори ҳосилдор, йирик донли янги «Осиё» нави яратилган;

мошнинг «Осиё» янги нави 2019 йилдан республикамизнинг барча худудларида экиш учун қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган (*гувоҳнома № 613, 19.04.2019*) ва 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан навга Патент (*NAP 00381, 31.01.2022*) олинган;

интенсив типидagi «Осиё» мош нави 2020 йилда Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг 7 та фермерлик хўжалиklarининг жами 208,5 га майдонга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти Услубий комиссияси ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келиши, илмий-тадқиқот ишларининг статистик

таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, маҳаллий ва ҳорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда натижалари амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мошнинг жаҳон генофондида мавжуд эко-географик гуруҳларга мансуб бўлган 151 коллекция намуналарининг морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича баҳоланганлиги ва уларга тавсиф берилганлиги, тадқиқот натижаларини рақамлаштириш асосида электрон маълумотлар базасига киритилганлиги, комплекс ўрганиш асосида мош селекциясининг турли йўналишлари учун қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларга эга, эрта ва ўртапишар, касалликларга чидамли, ҳосилдор, далада дуккаклари чатнамайдиган, дон йириклиги ва сифати, механизация йиғимига яроқли бўлган дастлабки манбалар сифатида 8 та намуналари ажратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мошнинг морфобиологик ва қимматли хўжалик белги ва хусусиятларига эга, тик ўсувчи, механизация ўримига яроқли, дуккаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор ва экспорт талабларига жавоб берадиган истиқболли «Осиё» нави яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мошнинг жаҳон генофондини комплекс ўрганиш асосида морфобиологик ва қимматли хўжалик белги ва хусусиятларига эга, тик ўсувчи, механизация ўримига яроқли, дуккаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор ва экспорт талабларига жавоб берадиган навларни яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

мошнинг юқори ҳосилдор, йирик донли, тик ўсувчи, механизм ёрдамида йиғиштириб олишга яроқли, ўртапишар (ўсув даври 85-90 кун) янги «Осиё» нави яратилган ва Республиканинг барча ҳудудларида экиш учун қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 5 апрелдаги №07/23-04/1938-сон маълумотномаси). Натижада, мош генофонди пояси тик ўсувчи, йирик донли, 1000 дона уруғ вазни 80 г., дон ҳосили 25,0-26,0 ц/га, кўк масса ҳосили 200,0-250,0 ц/га, ҳосили механизм ёрдамида йиғиштириб олишга мос янги мош нави билан бойитилган;

интенсив типдаги мошнинг «Осиё» нави 2020 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида Сурхон СФУ ҳудудидаги «Ташаббус Сурхон» фермер хўжалигида 14,0 га, «Ҳомкон» фермер хўжалигида 18,0 га, «Сурхон тажриба участкаси» фермер хўжалигида 19,0 га, «Сурхон нур дала» фермер хўжалигида 26,0 га, «Олтин меҳнатобод пахтаси» фермер хўжалигида 29,0 га, «Жавлонбек агро фирмаси МЧЖ» хўжалигида 35,0 га, Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани «Инновацион технологияларни жорий қилиш маркази» МЧЖда 67,5 га, жами 208,5 га майдонга экилган (Қишлоқ хўжалиги

вазирлигининг 2022 йил 5 апрелдаги 07/23-04/1938-сонли маълумотномаси). Натижада, мошнинг янги «Осиё» навидан суғориладиган майдонларда ўртача 20,0-25,0 ц/га дон ҳосили олинди, гектаридан олинган соф даромад 10,3-11,8 млн. сўмни, рентабеллик даражаси эса Тошкент вилоятида 42,2-43,2%, Сурхондарё вилоятида 41,2-42,3% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот тажрибалари ҳар йили Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти Ушбу комиссияси ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижалари бўйича 11 та, жумладан 9 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мавзу бўйича «Осиё» мош навига гувоҳнома ва патент олинган, жами 13 илмий нашрлар эълон қилинган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган ҳорижий илмий журналда 1 та мақола, маҳаллий илмий журналларда 1 та мақола ва республика илмий анжуманларида 10 та мақола ва 2 та тавсиянома.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Тадқиқотдаги мош коллекция намуналари 2014-2017 йиллар давомида Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитларида морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгилари бўйича баҳоланди.

Тадқиқотлар, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтининг Ўсимликлар интродукцияси бўлимида олиб борилган бўлиб, асосан аналитик селекция услубида ялпи ва кўп марталик якка танлаш асосида мошнинг қимматли хўжалик белгиларига эга тик ўсувчи, механизация ўримига яроқли, дукаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор экспорт талабларига мос мош навларни яратишга қаратилган.

Мошнинг жаҳон генофондидан фойдаланиш асосида селекциянинг турли йўналишлари учун бирламчи манбалар танлаш. Мошнинг жами, 151 та жаҳон коллекция намуналари, шундан: Бутунжаҳон Сабзавотчилик Марказидан интродукция қилинган 121 та нав намуналар ва Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институтининг Миллий Генбанкида сақланаётган 30 коллекция намуналаридан фойдаланилди.

Изланишларга жалб этилган коллекция намуналарининг географик келиб чиқиши жиҳатидан жаҳоннинг турли мамлакатларига, жумладан: 127 намуна Тайван- 26, Ҳиндистон- 24, Ўзбекистон- 19, Тайланд- 16, Филиппин- 15, Покистон- 8, Тожикистон- 6, Эрон- 4, Афғонистон- 3, Хитой- 2, Непал- 2, Бангладеш- 1, Қозоғистон- 1, Кот-д'Ивуар - 2, Нигерия- 1, Мали- 1, Танзания- 1, Сенегал- 1, ЖАР- 1, Россия- 1, Буюк Британия- 1, Франция- 1, Венгрия- 1, АҚШ- 1, Бразилия- 1 ва 1 намуна Австралия қитъасига мансуб эканлиги аниқланди. (1-расм).

Мошнинг 151 та коллекция намуналари ўсув даври, ўсимлик бўйи, биринчи ҳосил шохи баландлиги, бош пояда бўғимлар сони, дуккакларнинг ўртача узунлиги, дуккак диаметри, бир ўсимликда дуккаклар сони, бир дуккакда донлар сони, 1000 дона уруғ вази, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилди. Олинган маълумотлар асосида гуруҳларга ажратиб таҳлил этилди ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди.



1-расм. Ўрганилган мош намуналарининг келиб чиқиши.

Ўсув даври бўйича гуруҳланиши. Ўрганилган мош намуналари ўсув даври бўйича 4 та (мавжуд услуб асосида) гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўсув даври бўйича мош жаҳон коллекцияси намуналарининг гуруҳланиши

№	Гуруҳлар	Параметрлар	Намуналар сони	Лимит	Ўртача	Ҳосилдорлик, ц/га	
						Лимит	Ўртача
Ўсув даври, кун							
1.	Ультра эртапишар	< 75	21	66-74	70	2,0-20,0	11,0
2.	Тезпишар	76-85	113	76-85	81	0,3-22,7	11,5
3.	Ўртапишар	86-110	16	86-110	53	5,2-26,5	13,4
4.	Кечпишар	> 111	1	113	113	-	-
	Жами		151	66,0-113,0	80,0	0,3-26,5	13,4

Ўрганилган 151 та мош намуналарини 21 тасининг ўсув даври 66-75 кунгача бўлиб ультра эртапишар, 113 та намуналар (76-85 кунгача) тезпишар, 16 та намуналар (86-110 кунгача) ўртапишар ва фақат 1 та намуна эса (113 кун) кечпишар эканлиги қайд этилди (1-илова).

Республикада районлаштирилган мош навларидан энг эртапишар нав “Дурдона” нави бўлиб ўсув даври 70-75 кунни ташкил этади. Ушбу сабаб, ўрганилган мош коллекция намуналарини эртапишарлик хусусияти бўйича “Дурдона” нави таққосладик.

Тадқиқотлар жараёнида мошнинг 21 та намуналари ультра эртапишар бўлиб, ўсув даври 66-75 кунгача давом этди ва ўртача ҳосилдорлик 11,51 ц/га тўғри келди. Андоза навга нисбатан к-948 (66 кун), к- 774, к-1002 (68 кун), к-1000 (69 кун) намуналар 6-9 кун эрта пишиб, ўсув даври 66-69 кунни ташкил этди (1-илова).

Мошнинг ультра эртапишар 21 нав-намуналаридан фақат 3 тасигина андоза “Дурдона” навига нисбатан 1-4 кун олдин пишиб етилди.

Ушбу ҳолат к- 948 Ҳиндистон (66 кун), к-1000 VM 3154, Филиппин (68 кун), к-774 Ҳиндистон (69 кун) намуналарда қайд этилди (2-расм).


Ультра эртапишар мош намуналарининг қимматли хўжалик хусусиятлари



2-расм. Ультра эртапишар мош навларининг тафсифи.

Ультра эртапишар мош намуналардан уруғининг йириклиги бўйича жами 6 та намуналар, жумладан к-903, к-949 (Тайван), к-935, к-937, к-940 (Тайланд) ва к-989 (Тожикистон) намуналари танлаб олинди. (1-илова).

Мошнинг ультра эртапишар гуруҳидан 1000 дона дон вазни бўйича VO3432 B-G Ўзбекистон, AVMU1632 Тайван, VIO57346 BG Тайван тизмалари стандарт Дурдона навига нисбатан 5-10 граммга оғирроқ эканлиги аниқланди. Ультра эртапишарлик ва йирик уруғлилик хусусиятлари бўйича танлаб олинган мош намуналари ҳосилдорлиги бўйича андоза “Дурдона” навига нисбатан паст натижа кўрсатган бўлсада, келгусида синтетик селекция асосида ультра эртапишар, йирик уруғли навларни яратишда ноёб манба сифатида фойдаланиш имконини беради (3-расм).



3-расм. Ультра эрта пишар гуруҳидан танлаб олинган йирик донли мош намуналари.


Юқорида қайд этилганидек, ўрганилган мош намуналаридан 113 таси тезпишар бўлиб ўсув даври 76-85 кунгача давом этди (1-илова).

Тезпишар мош намуналарининг ўсув даври 76-85 кун бўлиб, шундан 64 та намунанинг ўсув даври 76-80 кунни, қолган 49 тасиники эса 81-85 кунни ташкил қилди. Ушбу намуналар Австралия (8 та), АҚШ (1 та), Ҳиндистон (20 та), Афғонистон (3 та), Бангладеш (1 та), Бразилия (1 та), Буюк-Британия (1 та), Венгрия (1 та), Гон-Конг (1 та), Жанубий Африка (1 та), Кот-дИвуар (2 та), Қозоғистон (1 та), Нигерия (1 та), Покистон (5 та), Танзания (1 та), Сенегал (1 та), Тайван (15 та), Тайланд (11 та), Тожикистон (4 та), Филиппин (12 та), Франция (1 та), Эрон (4 та), ва Ўзбекистон (17 та) давлатларига тегишли.

Ушбу 113 та намуналардан ҳосилдорлиги бўйича фақат 2 таси к-1026 (Тайланд) ва к-953 (Тайван) ажралиб чиқиб андозага нисбатан 2,7-4,6 ц/га юқори натижаларга эга бўлди 4-расм.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш жараёнида, мошнинг тезпишар гуруҳидан (113 та намунадан) уруғининг йириклиги, яъни 1000 дона уруғ вазни бўйича қуйидагича ҳолат намоён бўлди, жумладан: 93 та намунада 18,77-62 граммгача, 4 та намунада 62-65 граммгача ва 16 та намунада эса 66-86,07 граммгача эканлиги қайд этилди.

Ушбу танлаб олинган 17 та намуналарнинг 1000 дона уруғларининг вазни 65-86,07 грамм бўлиб, андозага нисбатан 3-14,06 граммгача юқори эканлиги аниқланди (2-жадвал).



4-расм. Танлаб олинган намуналарнинг тафсифи.

2-жадвал

Мошнинг тезпишар гуруҳидан уруғининг йириклиги бўйича танлаб олинган намуналарнинг асосий хўжалик белгилари (2011-2013 йй.)

Катол. рақами	Нав-намуна номи	Келиб чиқиши	Ўсув даври, кун	Ўсимлик баланд, см	Дуқак. сони, дона	1000 дона уруғ вазни, г	Ҳосилдорлик, ц/га
Ст.	Дурдона	Ўзбекистон	70	54,6	55,53	62	20
781	781	Филиппин	81	50,10	21,73	66,40	10,52
800	800	Ўзбекистон	79	47,60	35,00	76,73	8,44
990	Dubora	Тожикистон	81	38,80	29,50	75,20	8,56
1041	Отбор № 2	Тожикистон	81	45,30	26,13	78,83	10,81
1011	VI062924	Ҳиндистон	79	36,40	36,97	66,87	9,24
1012	VI062926	Ҳиндистон	79	33,80	30,80	69,97	11,12
987	Muattar	Тожикистон	81	46,60	25,10	71,57	9,06
1046	V01020 A-G	Тайван	80	65,10	15,07	70,70	3,58
923	V01380 A-G	Филиппин	80	66,80	29,97	83,67	13,20
924	V01470 A-G	Покистон	84	70,10	29,93	77,63	8,94
926	V02096 A-G	Австралия	80	45,80	30,37	71,47	13,70
927	V02124 A-G	Австралия	79	51,30	28,73	70,53	11,08
931	V02244 A-G	Филиппин	84	74,60	18,60	72,43	6,74
932	V02339 A-G	Филиппин	78	75,50	29,00	76,40	6,89
943	V06019 A-DY	Филиппин	80	53,80	20,30	68,73	8,95
946	V06331 A-BR	Тайван	84	54,10	24,03	86,07	8,62
953	VI001096 AG	Ўзбекистон	80	56	52	65	24,6

Мошнинг ўртапишар гуруҳига мансуб намуналарининг асосий қимматли хўжалик белгилари. Республикада районлаштирилган мош

экинидан Зилола нави ўртапишар бўлганлиги учун ўртапишар нав ва намуналар учун андоза қилиб олдик.


Мошнинг ўрта пишар гуруҳининг ўсув даври 86-110 кун бўлиб, шундан 11 та намунанинг ўсув даври 86-92 кунни, қолган 4 тасиники эса 93-100 кунни ташкил қилди. Ушбу намуналар Мали (1 та), Россия (1 та), Гон-Конг (1 та), Покистон (1 та), Тайван (6 та), Тожикистон (1 та), Филиппин (2 та), Ўзбекистон (3 та) давлатларига тегишли. Шунингдек Андоза навга нисбатан VI062931 (кун), VI058444 (86 кун), VI057814 (86 кун), VI002894 B-BR (86 кун), K-790 (86 кун), K-786 (87 кун), Fayzobod, Отбор № 2 (87 кун), K-780 (87 кун), VI060020 A-G (88 кун), V06338 A-G (89 кун), V02221 A-G (90 кун), Осиё (VI 000380 A-G) (92 кун) намуналари 1-7 кун эрта пишиб, ўсув даври 86-92 кунни ташкил этди. 5-расм.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларига кўра, мошнинг ўртапишар гуруҳидан (15 та намунадан) уруғининг йириклиги, яъни 1000 дона уруғ вазни бўйича қўйидаги натижалар кузатилди, жумладан: 4 та намунада 29,47-48,37 граммгача, 7 та намунада 50,07-59,93 граммгача ва 5 та намунада эса, 73,93-80,00 граммгача эканлиги аниқланди (3-жадвал).



5- расм. Ўрта пишган мош намуналарининг ўсув даври

Ушбу танлаб олинган 3 та намуналарнинг 1000 дона уруғларининг вазни 73,93-80,00 грамм бўлиб, андозага нисбатан 2-9 граммгача юқори эканлиги аниқланди (6-расм).



6-расм. Мошнинг танланган ўрта пишар намуналарининг хусусиятлари

Ҳосилдорлик хусусияти бўйича ушбу гуруҳдаги фақат VI000380 A-G Ўзбекистон, намунаси 0.5 ц/га баланд, қолган барча намуналар 7,75-16,83 ц/га паст натижа кўрсатди. (3-жадвал)

3-жадвал.

Мошнинг ўртапишар нав-намуналарининг қимматли хўжалик белгилари

Ката лог рақа ми	Нав-намуна номи	Келиб чиқиши	Ўсув даври, кун	Ўсимлик баландли г, см	Дуқак лар сони, дона	1000 дона уруғ вази, г	Ҳосилдор лик, ц/га
Ст.	Зилола	Ўзбекистон	93	62,50	27,50	71,00	26,00
780	780	Филиппин	87	58,60	46,60	50,50	12,37
786	786	Россия	87	69,20	37,27	43,00	12,38
790	790	Ўзбекистон	86	39,90	40,73	48,37	16,15
918	918	Тайван	100	38,30	34,57	59,93	14,32
986	Fayzobod, Отбор № 2	Тожикистон	87	42,20	26,03	58,23	9,20
1003	VI057814	Покистон	86	47,70	53,00	54,80	16,04
1005	VI058444	Мали	86	38,40	34,63	53,67	14,96
906	VI060020 A-G	Тайван	88	47,90	39,87	73,93	18,25
1015	VI062931	Ганконг	86	35,70	45,30	57,37	13,79
930	V02221 A-G	Филиппин	90	69,80	27,13	65,97	9,17
947	V06338 A-G	Тайван	89	57,70	26,83	76,93	9,26
908	VI002802 A-BR	Тайван	94	66,00	34,13	41,30	8,17
909	VI002894 B-BR	Тайван	86	64,30	26,50	50,07	10,74
910	VI003068 A-BR	Тайван	98	57,10	37,27	29,47	5,20
950	Осиё (VI 000380 A-G)	Ўзбекистон	92	60,00	47,00	80,00	26,50

Мошнинг 151 та коллекция намуналарини фенологик кузатувлар натижасида 1 та намуна кеч пишар гуруҳига тегишли бўлиб ушбу V1005030 В-У (Тайван), намунанинг ўсув даври 110 кун дан юқори бўлиб, ўсимлик баландлиги, 68,10 см гача ўсиб ривожланди ушбу намуна тўлиқ пишиб етилмади. (4-жадвал).

4-жадвал

Кечпишар мош намунасининг қимматли хўжалик белгилари

Каталог №	Нав-намуна номи	Келиб чиқиши	Ўсув даври, кун	Ўсимлик баландлиги, см	Дуккаклар сони, дона	1000 дона уруғ вазни, г	Ҳосилдорлик, ц/га
Ст.	Зилола	Ўзбекистон	93	62,50	27,50	71,00	26,00
917	V1005030 В-У	Тайван	113	68,10	31,0	32,0	7,0

Қишлоқ хўжалигида мош ўсимлигининг поясини узунлиги муҳим белгилардан бири бўлиб, ҳосил йиғим-теримида механизмдан фойдаланиш имкониятини берувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотларга жалб этилган жами, 151 та коллекция намуналари поясининг узунлиги бўйича 4 та гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Паст бўйли гуруҳда, ўсимлик бўйи 25,0 см гача бўлган, намуналар сони 7 та бўлиб, ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик 6,81 ц/га ни ташкил этди. Ўрта бўйли гуруҳда, ўсимлик бўйи 25,1-50,0 см бўлган, намуналар сони 75 та бўлиб, ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик 11,36 ц/га ни ташкил этди. Баланд бўйли гуруҳда, ўсимлик бўйи 50,1-75,0 см бўлган, намуналар сони 68 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 10,47 ц/га ни ташкил этди. Жуда баланд ўсимлик бўйи 111,0 см дан юқори бўлган гуруҳда, намуналар сони 1 та, ва ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик 8,06 ц/га ни ташкил этди (5-жадвал).

Биринчи ҳосил шохигача бўлган баландлик. Ер сатҳидан биринчи ҳосил шохи баландлиги бўйича ўрганилган жами, 151 та коллекция намуналари 3 та гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Ер сатҳидан биринчи ҳосил шохи 5,0 см гача бўлган гуруҳда, намуналар сони 40 та бўлиб, ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик, 10,58 ц/га ни ташкил этди. Ер сатҳидан биринчи ҳосил шохи баландлиги ўрта даражада 5,1-10,0 см бўлган гуруҳда, намуналар сони 107 та бўлиб, ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик 10,59 ц/га ни ташкил этди. Ер сатҳидан биринчи ҳосил шохи баланд даражада, 10,1 см бўлган гуруҳда, намуналар сони 4 та бўлиб, ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик 9,47 ц/га ни ташкил этди.

Асосий пояда бўғимлар сони. Асосий пояда бўғимлар сони бўйича ўрганилган жами 151 та коллекция намуналари 3 та гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Асосий пояда бўғимлар сони 10 та гача яни кам даражада бўлган гуруҳда, намуналар сони 28 та бўлиб, ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик, 10,94 ц/га ни ташкил этди. Асосий пояда бўғимлар сони 10,1-20,0 та яни ўрта даражада бўлган гуруҳда,

намуналар сони 121 та бўлиб ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик, 10,68 ц/га ташкил этди. Асосий пояда бўғимлар сони 20,1 дан ортиқ яни кўп даражада бўлган гуруҳда, намуналар сони 2 та бўлиб, ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик, 6,27 ц/га ни ташкил этди.

5-жадвал

Мош коллекция намуналарининг агробиологик кўрсаткичлари.

№	Гуруҳлар	Параметрлар	Намуналар сони	Лимит	Ўртача	Ҳосилдорлик, ц/га	
						Лимит	ўртача
Ўсув даври, кун							
5.	Ультра эртапишар	< 75	21	66-74	70	2,0-20,0	11,0
6.	Тезпишар	76-85	113	76-85	81	0,3-22,7	11,5
7.	Ўртапишар	86-110	16	86-110	53	5,2-26,5	13,4
8.	Кечпишар	> 111	1	113	113	-	-
	Жами		151	66,0-113,0	80,0	0,3-26,5	13,4
Ўсимлик бўйи, см							
1.	Паст бўйли	< 25,0	7	16,4-24,9	22,2	0,3-12,2	6,8
2.	Ўрта бўйли	25,1-50,0	75	26,1-49,8	36,9	2,0-22,7	11,4
3.	Баланд бўйли	50,1-75,0	68	51,3-74,6	62,2	3,6-26,5	10,5
4.	Жуда баланд бўйли	> 75,1	1	76,3	76,3	8,1	8,1
	Жами		151	16,4-76,3	48,3	0,3-26,5	13,4
Биринчи ҳосил шоху баландлиги, см							
1.	Паст	< 5,0	40	1,1-5,0	3,9	2,0-22,7	10,6
2.	Ўрта	5,1-10,0	107	5,2-10,0	7,0	3,9-26,5	10,6
3.	Баланд	> 10,1	4	10,0-13,0	11,1	0,3-13,4	9,5
	Жами		151	1,1-13,0	7,3	0,3-26,5	13,4
Асосий пояда бўғимлар сони							
1.	Кам	< 10	28	6,8-10,0	9,0	3,6-20,0	10,9
2.	Ўрта	10,1-20,0	121	10,1-19,7	12,8	0,3-26,5	10,7
3.	Кўп	> 20,1	2	22,3-32,7	27,5	3,9-8,6	6,3
	Жами		151	6,8-32,7	12,8	0,3-26,5	13,0

Бир ўсимликда дуккаклар сони. Бир ўсимликда дуккаклар сони бўйича ўрганилган жами 151 та коллекция намуналари 3 та гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Кам миқдордаги, бир ўсимликда дуккаклар сони 25,0 та гача бўлган гуруҳда, намуналар сони 21 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 7,04 ц/гани ташкил этди. Ўрта миқдордаги, бир ўсимликда дуккаклар сони 25,1-50,0 та бўлган гуруҳда намуналар сони 121 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 10,85 ц/га ташкил этди. Кўп миқдордаги, бир ўсимликда дуккаклар сони 50,1 та дан кўп бўлган гуруҳда намуналар сони 9 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 10,85 ц/га ни ташкил этди. (6-жадвал)

Дуккак узунлиги. Дуккак узунлиги бўйича ўрганилган жами 151 та коллекция намуналари 3 та гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Қалта дуккакли, узунлиги 5,0 см гача

бўлган гуруҳда, намуналар сони 48 та бўлиб ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик, 10,19 ц/га ташкил этди. Ўрта узунликдаги дуккаклари 5,1-10,0 см гача бўлган гуруҳда, намуналар сони 95 та бўлиб ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик 10,19 ц/га ташкил этди. Узун дуккакли, 10,1 см дан ортик гуруҳда, намуналар сони 8 та бўлиб, ушбу гуруҳда ўртача ҳосилдорлик, 13,34 ц/га ташкил этди.

Дуккак диаметри. Дуккак диаметри бўйича ўрганилган жами 151 та коллекция намуналари 2 та гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Ингичка дуккакли, 0,5 см гача бўлган гуруҳда, намуналар сони 28 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 9,58 ц/га ташкил этди. Ўртача қалин дуккакли, 0,5-1,0 см бўлган гуруҳда, намуналар сони 123 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 10,87 ц/га ташкил этди.

Бир дуккакда донлар сони. Бир дуккакда донлар сони бўйича ўрганилган жами 151 та коллекция намуналари ўрганилиб, 3 та гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Кам миқдордаги гуруҳда, дуккакдаги донлар сони 5,0 та гача бўлган, намуналар сони 2 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 0,57 ц/га ни ташкил этди. Ўрта миқдордаги, дуккакдаги донлар сони 5,1-10,0 тагача бўлган гуруҳда, намуналар сони 68 та, ўртача ҳосилдорлик, 10,31 ц/га ни ташкил этди. Кўп миқдордаги, дуккакдаги донлар сони 10,1 тадан кўп бўлган гуруҳда, намуналар сони 81 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 11,06 ц/га ни ташкил этди.

6-жадвал

Мош коллекция намуналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари

№	Гуруҳлар	Параметр-лар	Намуна-лар сони	Лимит	Ўртача	Ҳосилдорлик, ц/га	
						лимит	ўртача
Бир ўсимликда дуккаклар сони							
1.	Кам миқдорда	< 25,0	21	11,8-24,5	20,3	2,0-11,3	7,0
2.	Ўрта миқдорда	25,1-50,0	121	25,1-50,0	36,3	0,3-26,5	10,9
3.	Кўп миқдорда	> 50,1	9	50,4-61,9	55,0	8,8-20,0	14,3
	Жами		151	11,8-61,9	35,4	0,3-26,5	13,4
Дуккак узунлиги, см							
1.	Калта	< 5,0	48	1,6-4,9	4,2	0,3-22,7	10,2
2.	Ўрта	5,1-10,0	95	5,0-9,9	8,1	3,6-26,0	10,7
3.	Узун	> 10,1	8	10,2-12,0	10,9	6,6-26,5	13,3
	Жами		151	1,6-12,0	7,7	0,3-26,5	13,4
Дуккак диаметри, см							
1.	Ингичка	< 0,5	28	0,3-0,5	0,5	0,3-14,3	9,6
2.	Ўрта	0,5-1,0	123	0,5-1,0	0,6	2,0-26,5	10,9
	Жами		151	0,3-1,0	0,5	0,3-26,5	13,4

<i>Бир дуккакда донлар сони</i>							
1.	Кам миқдорда	< 5,0	2	4,5	4,5	0,30-0,8	0,6
2.	Ўрта миқдорда	5,1-10,0	68	5,6-9,9	7,2	2,0-22,7	10,3
3.	Кўп миқдорда	> 10,1	81	10,0-12,6	11,1	3,6-26,5	11,1
	Жами		152	4,5-12,6	9,2	0,3-26,5	13,4
<i>1000 дона уруғ вазни, г</i>							
1.	Майда	< 30,0	9	10,6-29,6	22,1	0,3-6,3	3,5
2.	Ўрта	30,1-60,0	107	30,3-59,9	47,0	3,9-22,7	10,9
3.	Йирик	> 60,1	35	60,1-86,1	70,0	3,6-26,5	11,3
	Жами		151	10,6-86,1	50,9	0,3-26,5	13,4
<i>Ҳосилдорлик, ц/га</i>							
1.	Кам ҳосилли	< 10,0	65			0,3-9,9	7,4
2.	Ўрта ҳосилли	10,1-20,0	73			10,0-20,0	12,9
3.	Юқори ҳосилли	> 20,1	3			22,7-26,5	25,1
	Жами		151			0,3-26,5	13,4

1000 дона уруғ вазни. 1000 дона уруғ вазни бўйича ўрганилган жами 151 та коллекция намуналари, 3 та гуруҳга ажратилди ва ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан солиштирилди. Майда гуруҳидаги, 1000 дона уруғ вазни 30,0 гр гача бўлган, намуналар сони 9 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 10,87 ц/га ташкил этди. Ўрта гуруҳидаги, 1000 дона уруғ вазни 30,1-60,0 гр гача бўлган, намуналар сони 107 та бўлиб, ўртача ҳосилдорлик, 10,87 ц/га ни ташкил этди. Йирик гуруҳидаги, 1000 дона уруғ вазни 60,0 дан катта, намуналар сони 35 та ўртача ҳосилдорлик, 11,28 ц/га ташкил этди.

